



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT STATISTIKA QO‘MITASINING QARORI

2021 y. «31» март № 8

Истеъмол бозорида товарларнинг нархлар даражасини аниқлаш юзасидан нархлар кузатувларини ташкил этиш ва ҳисоблаш бўйича услубий низомни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунининг 5¹-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3671-сон ҳамда 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ижросини таъминлаш, шунингдек, мамлакат истеъмол бозорида нархлар даражасини аниқлаш бўйича товарларнинг нархлари кузатувларини ташкил этиш ва ҳисоблаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида, Давлат статистика кўмитаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Истеъмол бозорида товарларнинг нархлар даражасини аниқлаш юзасидан нархлар кузатувларини ташкил этиш ва ҳисоблаш бўйича услубий низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Давлат статистика кўмитасининг 2018 йил 28 сентябрдаги “Истеъмол бозорида нархлар даражасини аниқлаш юзасидан товарларнинг ўртача истеъмол нархлари кузатувини ташкил этиш ва ҳисоблаш бўйича услубий низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 17-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу қарор 2021 йил 1 апрелдан кучга киради.

Раис

Б.Бегалов

**Истеъмол бозорида товарларнинг нархлар даражасини аниқлаш
юзасидан нархлар кузатувларини ташкил этиш ва ҳисоблаш бўйича
услугий низом**

I. Умумий қоидалар

1. “Истеъмол бозорида товарларнинг нархлар даражасини аниқлаш юзасидан нархлар кузатувини ташкил этиш ва ҳисоблаш бўйича услубий низом” (кейинги ўринларда – Услугий низом) Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ тасдиқланадиган услубий ҳужжат ҳисобланади.

2. Мазкур Услугий низом Ўзбекистон Республикаси бўйича давлат статистика органлари томонидан дўконлар, деҳқон бозорлари ва умумий овқатланиш корхоналаридаги товарларнинг нархлари кузатувини ташкил этиш ҳамда алоҳида турдаги товарларнинг маълум бир даврдаги ёки аниқ бир санадаги ўртача, минимал ва максимал нархларини ҳисоблаш тартибини белгилайди.

Услугий низом қоидалари Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ, давлат статистика органлари томонидан ўтказиладиган қуйидаги нархлар кузатувларига тадбиқ этилади:

дўконлардаги ўртача нархлар кузатуви;
деҳқон бозорларидаги ўртача нархлар кузатуви;
вилоят марказий ҳудудлари кесимида, тайёр паловнинг ўртача нархлари кузатуви;

уюшган савдо мажмуалари ва деҳқон бозорларида айрим (ун, нон, буғдой) маҳсулотларнинг ўртача минимал ва максимал нархлари кузатуви.

3. Нархлар кузатуви ва уларнинг ўртача, минимал ва максимал қийматларини ҳисоблаш механизми, истеъмол бозоридаги жорий нархлар ҳолатини аниқлаш ва таҳлил қилиш, ишончли статистик маълумотларни шакллантириш мақсадларида ишлаб чиқилган.

4. Мазкур Услужий низомда қуйидаги асосий тушунча ва иборалардан фойдаланилади:

нарх – товар бирлиги миқдори учун маълум бир валюта пул бирлигида ифодаланган товар қийматининг ифодаси;

ўртача нарх – маълум вақт ёки макондаги бир турга мансуб товарлар гуруҳидаги нархларнинг ўзгаришини умумлаштирувчи нарх;

минимал нарх – товар бирлиги миқдори учун маълум бир пул бирлигида ифодаланган товар қийматининг минимал ифодаси;

максимал нарх – товар бирлиги миқдори учун маълум бир пул бирлигида ифодаланган товар қийматининг максимал ифодаси;

ўртача минимал нарх – маълум вақт ёки макондаги бир турга мансуб товарларнинг истеъмол учун таклиф этилаётган энг паст даражадаги нархларни умумлаштирувчи ўртача катталик;

ўртача максимал нарх – маълум вақт ёки макондаги бир турга мансуб товарларнинг истеъмол учун таклиф этилаётган энг юқори даражадаги нархларни умумлаштирувчи ўртача катталик;

рўйхатга олиш нархи – сифати, сотиш шартлари ва кузатув даври оралиғи аниқ белгиланган муайян бир товар турига тўланган пул бирлиги миқдори;

нархларни рўйхатга олиш – истеъмол секторининг намунаси сифатидаги шакллантирилган товарлар тўпламига кирувчи нархлар тўғрисида маълумот тўплаш усули;

кузатув объекти – намуна сифатида ҳарид қилиш учун шакллантирилган товарлар ва хизматлар нарҳини рўйхатга олиш мақсадида танлаб олинган чакана савдо ва хизмат кўрсатиш объекти;

намуна товар – товарларнинг сифати ва асосий истеъмол хусусиятларига таъсир кўрсатмайдиган даражада бир-биридан ўзига хос тавсифига кўра унчалик катта бўлмаган ҳолда фарқланадиган товар турлари йиғиндиси;

5. Ушбу Услужий низомда қўлланилган атамалар давлат статистика органлари ходимлари томонидан истеъмол бозорида нархларнинг статистик кузатувларини олиб бориш ва маълум даврдаги товарларнинг ўртача, минимал ва максимал нархларини ҳисоблаш мақсадларида ишлатилади.

II. Нархлар кузатувлари инструментарийси

6. Нархлар кузатувларини ташкил этиш учун қуйидаги статистика сўровномаларидан фойдаланилади:

дўконлардаги ўртача нархлар кузатувида “Савдо дўконларида нархларни рўйхатга олиш бланкаси”дан;

деҳқон бозорларидаги ўртача нархлар кузатувида “Деҳқон бозорларида нархларни рўйхатга олиш бланкаси”дан;

вилоят марказий ҳудудлари кесимида, тайёр паловнинг ўртача нархлари кузатувида “Умумий овқатланиш корхоналарида нархларни рўйхатга олиш бланкаси”дан;

уюшган савдо мажмуалари ва деҳқон бозорларида айрим (ун, нон, буғдой) маҳсулотларнинг ўртача минимал ва максимал нархлари кузатувида “Савдо объектларида нархларни рўйхатга олиш бланкаси”дан.

Зарур ҳолатларда рўйхатга олиш ишларида ўрнатилган тартиб асосида тасдиқланган бошқа ҳужжатлар ва саволномалардан фойдаланиш мумкин.

III. Нархлар кузатувларини ташкил этиш тартиби

7. Товарларнинг нархларини рўйхатга олиш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида кузатув рўйхатидаги товарлар билан етарлича таъминланганлик даражаси, ассортимент сони ва мезонларни инобатга олган ҳолда танлаб олинган дўконлар, деҳқон бозорлари ва умумий овқатланиш корхоналарида (савдо объектлари) Давлат статистика ишлари дастури ҳамда Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурида белгиланган муддатларда олиб борилади.

Агар кузатув ўтказиладиган кун дам олиш (ишланмайдиган) кунига тўғри келиб қолса, шундан кейинги биринчи иш куни кузатув ўтказиладиган кун ҳисобланади.

8. Кузатувларнинг товарлар рўйхати мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳолати ҳамда аҳоли турмуш даражаси таҳлиллари учун зарур маълумотларни шакллантириш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда Давлат статистика қўмитаси томонидан шакллантирилади ва тасдиқланади.

9. Кузатувлар ўтказиладиган савдо нуқталарининг танлови ҳудудий статистика органларининг нархларни рўйхатга олувчи ходимлари (кейинги ўринларда – нарх регистраторлари) томонидан, ҳудудда аҳолининг кенг қатламига хизмат кўрсатадиган ҳамда товарлар рўйхатидаги маҳсулотлар нархларини барқарор кузатиш имкониятини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади ва рўйхати шакллантирилади.

Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва савдо фаолияти хусусиятидан келиб чиқиб савдо нуқталари тури ва сони ўзгариб туради.

10. Истеъмол товарларининг жорий нархлари даражасини аниқлаш шаҳар ва туман статистика органлари ходим (регистратор)лари томонидан амалга оширилади. Нархлар кузатувлари “Истеъмол бозорида товарларнинг

нархлар даражасини аниқлаш юзасидан нархлар кузатувларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ҳудудий статистика органларининг ходимлари учун Қўлланма” асосида амалга оширилади.

IV. Ўртача нархларни ҳисоблаш

11. Ўртача нархлар - нархлар тўрисидаги маълумотларни умумлаштириш орқали электрон маълумотлар базаси асосида махсус ишлаб чиқилган дастурий таъминот ёрдамида ҳисоб-китоб қилинади.

12. Товарларнинг ўртача нархлари турли хил ассортимент ўзгаришларини, шунингдек, ҳудудий, мавсумий ўзгаришлар ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда шаклланади. Шундай қилиб, товарларнинг ўртача нархларидаги ўзгаришлар унинг иқтисодий таркибида алоҳида ўринга эга товарлар учун ҳисобланган нарх индексларидан фарқи шундаки, аввало товарларнинг аниқ нархларидаги ўзгаришларни ҳисобга олиш билан бирга, унинг таркибий ҳамда ассортимент ўзгаришлари ҳам инобатга олинади.

Таркибий ва ассортимент ўзгаришларга таъсир қилувчи муҳим омиллар қуйидагилардан иборат:

янги турдаги товарларнинг пайдо бўлиши;

эскиларининг йўқолиши;

турлича бўлган алоҳида турдаги товарларнинг нарх даражалари улушининг ўзгариши;

минтақадаги ўзгаришлар натижасида ҳудудий нархлар орасидаги фарқланишлар, мавсумий омиллар ва ҳоказо.

Шунга кўра, ўртача нархлар тўғрисидаги маълумотлардан доимий равишда нархлар ўзгариши динамикасини тавсифлашда фойдаланиш тавсия этилмайди.

13. Давлат статистика қўмитасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудлари кесимида Ўзбекистон Республикаси бўйича товарларнинг ўртача нархлари ҳисобланади.

14. Ҳудудий статистика органларида муайян ҳудуд бўйича товарларнинг ўртача истеъмол нархлари қуйидаги кўринишда ҳисобланади:

кузатув объектларидаги намуна-товарларнинг ўртача нархларини ҳисоблаш;

шаҳар ва туман кесимида товарларнинг ўртача нархларини ҳисоблаш.

15. Кузатув ўтказилаётган объектда рўйхатга олинаётган товар бир нечта ассортиментдан иборат бўлса, у ҳолда ушбу **савдо объектидаги** мазкур товар тури бўйича ўртача нарх қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$\overline{P_{r,k}^t} = \frac{\sum_{s=1}^n P_{k,s}^t}{n}$$

бунда:

$\overline{P_{k,r}^t}$ – t рўйхатга олиш даврида r кузатув объектидаги k товарнинг ўртача нархи;

$P_{k,s}^t$ – t рўйхатга олиш даврида (рўйхатга олинган савдо объектидаги k товарларнинг турлари бўйича) s намуна товарлар нархи;

n – савдо объектида рўйхатга олинган k товарнинг турлари бўйича нархлари сони.

Кузатув объектида товар хилма-хиллиги чегараланганлиги сабабли бир дона нарх рўйхатга олинган бўлса, у ҳолда ушбу товар тури бўйича кузатув объектидаги ўртача нарх айнан бир дона нархдан шаклланади.

16. Туман ва шаҳарлар кесимида алоҳида товарларнинг ўртача нархини ҳисоблаш қуйидаги формулада акс этади:

$$\overline{P_{i,k}^t} = \frac{\sum_{r=1}^n \overline{P_{r,k}^t}}{n}$$

бунда:

$\overline{P_{i,k}^t}$ – t рўйхатга олиш даврида i шаҳар (туман)даги k товарнинг ўртача нархи;

$\overline{P_{k,r}^t}$ – t рўйхатга олиш даврида r кузатув объектидаги k товарнинг ўртача нархлари;

n – нархлар рўйхатга олинган кузатув объектлари сони.

17. Худудлар кесимида товарларнинг ўртача нархини ҳисоблаш қуйидаги формула ёрдамида амалга оширилади:

$$\overline{P_{j,k}^t} = \frac{\sum_{i=1}^n \overline{P_{i,k}^t}}{n}$$

бунда:

$\overline{P_{j,k}^t}$ – t рўйхатга олиш даврида j худуд (Қорақолпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри)даги k товарларнинг ўртача нархи;

$\overline{P}_{i,k}^t$ – t рўйхатга олиш даврида кузатувдаги i шаҳар (туман) бўйича k товарнинг ўртача нархлари;

$n - k$ товар бўйича танлаб олинган j ҳудудий шаҳар (туман)лар сони.

18. **Республика бўйича** рўйхатга олиш давридаги товарларнинг ўртача нархларини ҳисоблаш қуйидаги формула ёрдамида амалга оширилади:

$$\overline{P}_{O^2R,k}^t = \frac{\sum_{j=1}^n \overline{P}_{j,k}^t * d_j}{\sum_{j=1}^n d_j}$$

бунда:

$\overline{P}_{O^2R,k}^t$ – t рўйхатга олиш даврида Ўзбекистон Республикаси бўйича k товарнинг ўртача нархи;

$\overline{P}_{j,k}^t$ – t рўйхатга олиш давридаги j ҳудудлар бўйича k товарнинг ўртача нархлари;

d_j – республиканинг умумий аҳолиси харажатларидан j ҳудуд аҳолиси харажатлари улуши;

$n - k$ товар кузатилаётган ҳудудлар сони.

V. Ойлик ва йил бошига нисбатан ўртача истеъмол нархларини ҳисоблаш

19. Ой давомида товар нархлари кузатуви бир неча мартта ўтказиладиган бўлса, у ҳолда **ҳудуд бўйича ойлик ўртача нархлар** навбатдаги формула асосида ҳисобланади:

$$\overline{P}_{j,k}^m = \frac{\sum_{t=1}^n \overline{P}_{j,k}^t}{n}$$

бунда:

$\overline{P}_{j,k}^m$ – m ойидаги j ҳудуд бўйича k товарнинг ўртача нархи;

$\overline{P}_{j,k}^t$ – t рўйхатга олиш давридаги j ҳудудлар бўйича k товарнинг ўртача нархи;

$n - t$ ойидаги j ҳудуд бўйича рўйхатга олинган нархлар сони.

20. Ҳудудлардан қабул қилинган маълумотлардан **республика бўйича ўртача нархларни** ҳисоблаш қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\overline{P_{O'zR,k}^m} = \frac{\sum_{j=1}^n \overline{P_{j,k}^m} * d_j}{\sum_{j=1}^n d_j}$$

бунда:

$\overline{P_{O'zR,k}^m}$ – Ўзбекистон Республикаси бўйича m ойидаги k товарнинг ўртача нархи;

$\overline{P_{j,k}^m}$ – m ойидаги j ҳудуд бўйича k товарнинг ўртача нархи;

d_j – республиканинг умумий аҳолиси харажатларидан j ҳудуд аҳолиси харажатлари улуши;

n – k товарларнинг ўртача ойлик нархи бўлган ҳудудлар сони.

Йил бошидан бошлаб ўртача нархлар маълумотини шакллантириш ҳам айнан шу алгоритм ёрдамида ҳисобланади.

21. **Йил бошидан ўртача** нархларни ҳисоблашда қуйидаги формулалардан фойдаланилади:

- ҳудуд бўйича:

$$\overline{P_{j,k}^{yanv-z}} = \frac{\sum_{m=1}^z \overline{P_{j,k}^m}}{n}$$

бунда:

$\overline{P_{j,k}^{yanv-z}}$ – январь ойидан жорий z ойга қадар j ҳудуд бўйича k товарнинг ўртача нархи;

$\overline{P_{j,k}^m}$ – m ойидаги j ҳудуд бўйича k товарнинг ўртача нархи;

n – январь ойидан жорий z ойга қадар j ҳудуд бўйича k товарларнинг ўртача ойлик нархлари сони.

- республика бўйича:

$$\overline{P_{O'zR,k}^{yanv-z}} = \frac{\sum_{j=1}^n \overline{P_{j,k}^{yanv-z}} * d_j}{\sum_{j=1}^n d_j}$$

бунда:

$\overline{P_{O'zR,k}^{yanv-z}}$ – январь ойидан жорий z ойга қадар республика бўйича k товарнинг ўртача нархи;

$\overline{P_{j,k}^{yanv-z}}$ – январь ойидан жорий z ойга қадар j ҳудуд бўйича k товарнинг ўртача нархи;

d_j – республиканинг умумий аҳолиси харажатларидан j ҳудуд аҳолиси харажатлари улуши;

n – январь ойидан жорий z ойга қадар k товарларнинг ўртача ойлик нархи бўлган ҳудудлар сони.

VI. Чораклик ўртача истеъмол нархларини ҳисоблаш

22. **Чораклик** ўртача нархларни ҳисоблаш кейинги формулалар асосида амалга оширилади.

- **ҳудуд бўйича:**

$$\overline{P_{j,k}^q} = \frac{\sum_{m=1}^3 \overline{P_{j,k}^m}}{m}$$

бунда:

$\overline{P_{j,k}^q}$ – q чорак бўйича j ҳудуддаги k товарнинг ўртача нархи;

$\overline{P_{j,k}^m}$ – m ойидаги j ҳудуд бўйича k товарнинг ўртача нархи;

m – товарларнинг ойлик нархи бўлган q чорагида ойлар сони.

- **Ўзбекистон Республикаси бўйича:**

$$\overline{P_{PV,k}^q} = \frac{\sum_{j=1}^n \overline{P_{j,k}^q} * d_j}{\sum_{j=1}^n d_j}$$

бунда:

$\overline{P_{PV,k}^q}$ – q чорак бўйича республикадаги k товарнинг ўртача нархи;

$\overline{P_{j,k}^q}$ – q чоракдаги j ҳудуд бўйича k товарнинг ўртача нархи;

d_j – республиканинг умумий аҳолиси харажатларидан j ҳудуд аҳолиси харажатлари улуши;

n – товарларнинг ўртача чораклик нархи бўлган q чорагида ойлар сони.

VII. Ўртача минимал ва ўртача максимал нархларни ҳисоблаш

23. Ҳар бир маҳсулот бўйича минимал-максимал нархларни аниқлаш электрон маълумотлар базасида автоматик тарзда амалга оширилади.

Кузатувлар планшетларда ўтказилганда, махсус дастурлаштирилган платформада қайд этилган нархлар асосида автоматик тарзда минимал-максимал нархларни аниқлаб, тегишли жадвалларни шакллантиради.

Электрон маълумотлар базасида товарларнинг минимал ва максимал нархлари бўйича маълумотлари, бир **шаҳар** ёки **туман** бўйича айнан бир турдаги товарнинг қайд этилган барча нархлари орасидан энг минимали ва максималини автоматик тарзда ажратиш орқали амалга оширилади. Бу жараёни **1-жадвалда** келтирилган шартли мисол орқали кўришимиз мумкин:

1-жадвал

Номи	1- нарх	2- нарх	3- нарх	4- нарх	..	10- нарх	минимал нарх	максимал нарх
Гуруч	6 000	7 500	9 000	10 000	..	16 000	6 000	16 000

24. Худудлар (вилоятлар) бўйича товарларнинг ўртача минимал ва ўртача максимал нархлари ҳисобланади. Ўртача минимал ва ўртача максимал нархлар ушбу Услугий низомнинг IV бўлимида келтирилган ўртача нархларни ҳисоблаш формуласи ёрдамида ҳисобланади.

Битта вилоят бўйича ўртача минимал ва ўртача максимал нархлар ҳисобланишини **2-жадвалда** келтирилган шартли мисол орқали кўришимиз мумкин:

2-жадвал

	1-туман	2- туман	3-туман	4-туман	5-туман	6-туман	Вилоят бўйича ўртача
Гуруч маҳсулоти							
Минимал нарх	6 900	6 500	6 000	7 000	6 500	6 000	6 483,3
Максимал нарх	14 000	15 000	12 800	16 000	14 500	15 000	14 550,0

25. Средние минимальные и средние максимальные цены по республике рассчитываются путем вычисления среднего значения из средних минимальных и средних максимальных цен по регионам соответственно.

VIII. Нархларни қайд этишда замонавий технологиялардан фойдаланиш

26. Нархларни қайд этишга замонавий электрон қурилмаларни жорий этиш, кузатув жараёнларига махсус дастурлаштирилган планшетларни жорий этилишини назарда тутди.

27. Планшетлар ёрдамида нархларни қайд этиш белгиланган тартибда тасдиқланган статистик кузатувнинг электрон сўровнома шакли асосида амалга оширилади. Планшетларга дастурий таъминот ёрдамида кузатувлар ўтказиладиган савдо объектлари ҳамда кузатиладиган товарларнинг рўйхати жойлаштирилади.

28. Нарх регистраторлари томонидан планшетларда қайд этилган нархлар автоматик тарзда Давлат статистика қўмитасининг маълумотлар базасига келиб тушади. Давлат статистика қўмитасининг Нархлар статистикаси бошқармаси ходимлари томонидан келиб тушган маълумотлар умумлаштирилади, тегишли ҳисоб-китоблар амалга оширилади ва якуний маълумотлар шакллантирилади.

IX. Шаклланган маълумотларни эълон қилиш

29. Мазкур Услубий низом асосида Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган муддатларда, ўртача нархлар ҳамда ўртача минимал ва максимал нархлар тўғрисида жадваллар шакллантирилади ва Ҳукуматга, тегишли вазирлик ва идораларга, шунингдек, сўровларга асосан бошқа манфаатдор фойдаланувчиларга тақдим этиб борилади.

30. Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ, белгиланган муддатларда нархлар тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг Очiq маълумотлар порталида ва Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайтида эълон қилиб борилади.

X. Якуний қоидалар

31. Услубий низом асосида ҳисобланган нархлар тўғрисидаги маълумотлардан республика ҳудудлари истеъмол бозорларидаги жорий нархлар ҳолатини аниқлашда маълумотлар манбаи сифатида статистик мақсадларда фойдаланиш мумкин.

32. Айрим турдаги товарлар нархлари бўйича шакллантирилган маълумотлардан ҳуқуқий баҳс-мунозараларда, давлат харидларини амалга оширишда, савдо битимларида қарорлар қабул қилиш ва бошқа келишувларда фойдаланиш учун мўлжалланмаган.